

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Хорижий мамлакатлар тарихи

КУРС ИШИ

Мавзу: Хиндистон миллий озодлик курашлари хакида

МУНДАРИЖА:

T/P	Курс иши қисмлари номи	бетлар
	Кириш	2
1.	1905-1947 йиллар Ҳиндистон миллий озодлик кураши ҳақида	5
2.	М.Гандининг “Менинг ҳаётим” асари Ҳиндистон миллий озодлик кураши манбаси сифатида	12
3.	Ж.Неру асарлари ва уларда миллий озодлик кураши тарихининг ифодаланиши	16
4.	Ҳиндистон миллий озодлик кураши ёритилган бошқа асарлар	25
5.	Хулоса ва таклифлар	27
	Фойдаланилган адабиётлар	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Яқиндагина Ҳиндистон империализм мустамлакачилик тизимининг барбод бўлганлиги, мустамлакачилик ва Шарқ халқларини қулликка солиш даври хотимасининг ярим асрдан ортиқ тарихий санасини нишонланди. Ҳиндистон давлат мустақиллигини курашиб қўлга киритганлиги ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос томонини ярата олганлиги билан дунё давлатлари орасида ўзига хос ўрни ва мавқеъига эга. Ҳиндистон минтақаси Ҳинд цивилизацияси ва бошқа кўплаб қадимий цивилизацияларнинг ватани ҳисобланади. Ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида Ҳиндистон муҳим савдо тармоғи маркази бўлиб келган ва ўзининг бойлиги ва юқори даражадаги маданияти билан ажралиб келган. Ҳиндистон хиндуизм, буддизм, сикхизм ва жайнизм каби динлар пайдо бўлган макон ҳам ҳисобланади. Эрамизнинг биринчи минг йиллигида Ҳиндистон минтақасига бу ҳудудда турли-туман маданият шаклланишига ўзининг катта таъсирини ўтказа олган зардуштийлик, иудаизм, насронийлик ва ислом динлари ҳам кириб келди.

XVIII аср бошидан XX аср ўрталаригача бўлган даврда Ҳиндистон Британия империяси томонидан мустамлакага айлантирилди. 1947 йил мустақилликни қўлга киритгандан кейин иқтисодий ва ҳарбий тараққиётда катта ютуқларга эришди. XX аср охирида Ҳиндистон иқтисодиёти жаҳонда энг тез тараққий топаётганларидан бирига айланди. Ўртача ҳисобда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми бўйича (\$ 1,232 трлн., аҳоли жон бошига \$1081) Ҳиндистон дунёда 12-ўринда, ЯИМ ҳисобидан келиб чиқиб ҳисоблаганда миллий валютанинг харид қуввати бўйича тўртинчи ўринда туради.¹

¹ Poverty estimates for 2004-05, Planing commission, Govertment of India, March 2007. Accessed: July 29, 2008

Ўз мустақиллиги йилларида ижодий иш билан банд бўлган ҳинд халқи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан ғоятда манфаатдор бўлди. Ҳинд халқининг тинчликка бўлган интилиш Ҳиндистон ҳукумати ташқи сиёсатида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ҳиндистон Халқаро Қўшилмаслик Ҳаракати ташкилоти асосчиларидан бири бўлди. Жаваҳарлаъл Неру ҳукуматининг Панча шила мазмунига асосланган ташқи сиёсати бутун Жаҳон Қўшилмаган мамлакатларининг ўзаро муносабатларида дастурул амал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ватанимиз тарихадан маълумки, бизнинг ота-боболаримиз ҳам бу ўлканинг шайдоси бўлишган. Бу икки ўртада ўзаро алоқаларнинг, иқтисодий ва маданий уйғунликни мужассам этган. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи кўп минг йилликларга бориб тақалади. Ота-боболаримиз ўзоқ йиллар давомида узвий алоқада бўлиб келганлар, ўзаро маданий мунобатларни шаклланишида ўзига хос хиссага эга бўлганлар. Бу алоқалар илдизлари ўзбек ҳиндшунослари томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Мустақиликка эришишимиз арафасида юртбошимиз Ислом Каримовнинг бир қатор расмий делегация аъзолари билан биргаликда ҳинд ўлкасида бўлиб қайтиши икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янги бир даврига ўтилишига эшик очди. 1993 йил 23-25-май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар кунларида “Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида, ҳаво йўллари тўғрисида ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунинг учун айтиш жоизки, Ҳиндистонни дунёнинг стратегик давлати сифатида ўрганиш, унинг тарихини ўрганган ҳолда сиёсий ҳамкорлик учун хулосалар тайёрлаш, келгусида бундай хулосаларни амалиётга тадбиқ этиш муҳим саналади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Ҳиндистон миллий озодлик курашига оид манбалар бизнинг тадқиқотимиз натижасига кўра, алоҳида ўрганилган эмас. Аммо, Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати (1905-1947 йиллар) мавзуси жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан кенг ўрганилган мавзудир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, устозларимиз Т.Ғ.Ғиёсов², А.А.Йўлдошев³, Н.Нуриддинов, Р.М.Алимов, Б.Обидовларнинг⁴ Ҳиндистон миллий озодлиги кураши йўлбошчиларини тарихи бўйича амалга оширган ишлари анча салмоқлидир. Хусусан, тарих фанлари доктори, профессор Т.Ғ.Ғиёсовнинг бир қатор илмий асарлари, мақолалари айнан шу йўналишга бағишланган.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Ушбу тадқиқот ишимизнинг объекти 1905-1947 йилларда Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатига дахлдор тарихий воқеа-ҳодисалар ташкил этиб, унинг предмети-ни шу даврда яшаб ижод қилган миллий қаҳрамонларнинг тарихий асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Ушбу курс ишимиз олдида турган асосий мақсад Ҳиндистон миллий озодлик кураши тарихига доир асарларни таҳлилий ўрганиш бўлиб, уни амалга оширишда бир неча вазифаларни амалга ошириш лозим бўлди;

-XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган тарихчи олимларнинг Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатига доир қолдирган маълумотларни тўплаш ва уларни ўрганиб чиқиш;

- Ушбу мавзу бўйича Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати йўлбошчилари М.Ганди, Ж.Неру қаламига мансуб асарлар айниқса, асосий манба вазифасини ўтайди, уларни ўрганиб чиқиш, мавзуга доир маълумотларни таҳлилий ўрганиш, хулосалар бериш.

² Ғиёсов Т.Ғ. Ватанини кашф этган инсон. // Фан ва турмуш журнали. ЎзФА. 1989 ноябрь. 24-26 б.; Ғиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. 148-153 б.; Ғиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. 148-153 б.

³ Йўлдошев А.А. Жавоҳарлаъл Неру. “Ўзбекистон”, Т., 1989.

⁴ Обидов Б. Жавоҳарлаъл Неру дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 40-43 б.

1. 1905-1947 йиллар Ҳиндистон Миллий озодлик кураши хақида

*Тақдир тақозоси билан англизлар ўзларининг
Ҳиндистон мустамлакасидан воз кечишга тўғри
келиб қолар. Лекин улар ўзларидан кейин қандай
Ҳиндистонни, қандай дахшатли қашшоқликни
қолдиражаклар! Кўп асрлар давом этиб келган
англиз ҳукмронлиги сели охири қуриб қолгач,
ўзанда қанча лой ва ботқоқлик чўкиб қолажак!*

Рабиндранат Тагор⁵

Ҳиндистон бой маданиятга ва кўп минг йиллик тарихга эга бўлган мамлакатдир. Синд (Мохенжо-даро) ва Панжоб (Хараппа)даги қадимги шаҳарлардан топилган қолдиқлар беш минг йил илгариги даврга оид бўлиб, Ҳиндистоннинг ўша даврдаёқ дунёнинг юксак маданиятли марказларидан бири бўлганлигидан дарак беради. Ҳиндистон ўлкаси шу даврлардан бошлаб дунёнинг турли туман кудратли давлатларини, подшоҳлар-у саркардаларни ўзига мафтун этиб келган. XV асрдан бошлаб Ҳинд диёрига Европа давлатлари ҳам қизиқа бошлайди. XVII асрдан бошлаб Ҳиндистон Европа давлатлари ўртасидаги шиддатли кураш майдонига айланди. Португалия, Голландия, Франция ва Ангия ўртасидаги курашда англизлар ютиб чиқди. 1803 йил Деҳли босиб олингач, бобурий подшолар англизлар Ост-Индия компаниясига мутлақ қарам бўлиб қолди. 1833 йил Ост-Индия компанияси савдо ташкилоти сифатида тугатилиб, унга Ҳиндистонни мустамлакачилик асосида бошқариш вазифаси юклатидди. Ҳиндистон секин-аста Буюк Британияга хом ашё етказиб берадиган базага айланиб қолди. XIX -аср ўрталарида мустамлакачиларга қарши халқ кўзғолонлар бўлиб ўтди. 1857-1859 йилларда бўлиб ўтган машҳур сипоҳийлар кўзғолони (Ҳиндистон халқ кўзғолони) Ҳиндистоннинг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатди. Кўзғолоннинг асосий ҳарбий ядроси армия бўлгани боис уни сипоҳийлар кўзғолони деб ҳам аташади. Унда мамлакатнинг турли

⁵ Редько И. Ҳиндистон Республикаси. – Т.: Ўздавнашр, 1956. 32-бет

табақаларига мансуб аҳоли-деҳқонлар, хунармандлар ва зодагонлар иштирок этган. Инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонни забт этгач, унда маҳкам ўрнашиб олиш учун армияга маҳаллий аҳолини жалб қила бошлаганлар. Сипоҳийлар деб аталмиш ҳинд аскарлари таркибида ҳиндулар, мусулмонлар ва сикҳлар мавжуд эди. Сипоҳийлар армиясининг асосий вазифаси мустамлакачиларнинг манфаатларини қўриқлаш, шунингдек, халқ ҳаракатини бостиришдан иборат эди.

Инглизлар сипоҳийлардан қўшни мамлакатларга қарши юришларда фойдаланганлар, бу юришларда кўп ҳинд аскарлари ҳалок бўлган. Инглизлар сипоҳийларни моддий, маънавий жиҳатдан камситганлар. Уларнинг маоши инглиз аскарлариникидан анча кам бўлган, арзимаган баҳона билан уларни каттиқ жазолаганлар. Шу сабабларга кўра, сипоҳийларнинг сабр косаси тўла бошлаган. Ҳинулар сигирни муқаддас деб билиб, унинг гўштини истеъмол қилмас, мусулмонлар учун чўчқа ҳаром ҳисобланган. Сипоҳийлар ишлатадиган милтиқ ўқлари сигир ва чўчқа ёғи билан мойланган, бу ҳол кўзғолон чиқишининг асосий баҳоналаридан бири бўлган. Ҳинд халқининг деярли барча табақаларида XIX аср ўрталарида инглизларга қарши норозилик кучайган. Сипоҳийларнинг дастлабки чиқиши 1857 йил 10 майда Мирут шаҳрида бошланган. Бенгалия ва Панжоб ўртасидаги ҳудуд кўзғолоннинг маркази бўлган. 1858 йил Ост-Индия компанияси тугатилиб, Ҳиндистонни бевосита Буюк Британия идора қила бошлади. XIX асрнинг 80-йилларидан мамлакатда халқнинг норозилик намоишлари, митинглар, иш ташлашлар авж олди. 1885 йил қатор миллий ташкилотлар бирлашиб, Ҳиндистон миллий конгресси (ҲМК)га уюшди. XX аср бошлари унда Б. Тилак бошчилигида сўл демократик оқим шаклланди. 1905-1908 йилларда миллий озодлик ҳаракати янада авж олди. Айниқса, 1908 йилги Бомбай иш ташлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буюк Британия ҳукумати миллий озодлик ҳаракатини диний жамоа

белгилари бўйича бўлиб ташлашга ҳаракат қилди ва 1906 йил Мусулмонлар лигаси партиясининг пайдо бўлишига кўмаклашди. Унга қарши ҳиндуларнинг Ҳинду маҳасабха (ҳиндуларнинг буюк иттифоқи) сиёсий ташкилоти тузилди. 1-жаҳон уруши даври (1914-1918)да Ҳиндистон метрополия томонида урушда қатнашди. 1918 йилдан мустамлакачиликка қарши кураш янада авж олди. Бу даврда ҲМК раҳбарларидан бири бўлган М.К. Ганди мустамлакачиларга қарши курашнинг сатъяграха (куч ишлатмасдан қаршилик кўрсатиш) шаклини тарғиб қилди. Ганди таълимоти-гандизм ҲМК партиясининг расмий мафкурасига айланди. Инглиз мустамлакачиларининг Амритсар қирғини (1919 йил апрель)дан сўнг декабрда ҲМК итоат қилмаслик кампаниясини авж олдирди. 1918- 1922 йилларда ишчилар ҳаракати кучайди. 1920 йил Бутун Ҳиндистон касаба уюшмалари конгресси ташкил этилди. 1923-1927 йилларда миллий озодлик ҳаракати вақтинча сусайди. 1927 йил ҲМКда антиимпериалистик курашни фаоллаштириш тарафдорларини бирлаштирган сўл қанот вужудга келди. Унга Ж. Неру ва С.Ч. Бос раҳбарлик қилдилар.

1929-1930 йиллардаги жаҳон иқтисодий бўҳрони антиимпериалистик ҳаракатни янги босқичга кўтарди. 1930 йил ҲМК М. Ганди раҳбарлигида яна бўйсунмаслик кампаниясини бошлаб юборди. 1931 йил мартда ҲМК раҳбарлари мустамлакачи ҳукмрон доиралар билан музокара бошлади. Ҳар икки томон келиша олмагач, бўйсунмаслик кампанияси 1934 йилгача давом эттирилди. 1935 йил Англия парламенти Ҳиндистонни бошқариш тўғрисида ҳужжат қабул қилди. Бунга кўра, вилоятларнинг мухтор ҳуқуқлари бир оз кенгайтирилди, уларда маҳаллий ҳукумат тузилди, лекин ҳокимият илгаригидек инглиз мустамлакачилари қўлида қолаверди. Мамлакатда бу реакцион ҳужжатга қарши намоёишлар бўлиб ўтди. 1936 йил ҲМК империалистик кучларга қарши ягона фронт тузиш вазифасини илгари сурди. 2-жаҳон уруши

даврида Ҳиндистон антифашистик коалиция томонида бўлди. Уруш сўнггида Ҳиндистон билан Англия империализми ўртасида иккисодий ва сиёсий зиддиятлар кескин кучайди. Миллий конгресснинг миллий ҳукумат тузиш тўғрисидаги талаби кенг омма томонидан қўллаб-қувватланди.

Гитлерчилар Германияси ва милитаристик Япония устидан ғалаба қозонилиши, Хитойда Кореяда ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида мустақиллик учун курашнинг юксалиши Ҳиндистонда мустамлакачиларга қарши олиб борилаётган ҳаракатнинг тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Ҳиндистон мазлум халқларининг миллий-озодлик ҳаракати жуда кенгайиб кетди. Ҳиндистон ҳарбий денгиз флоти денгизчиларининг 1946 йил февраль ойидаги қўзғалони муҳим воқеа бўлди. Бомбайда ҳам қўзғалон бошланиб, бу қўзғалонга бошқа портлардаги ҳарбий денгизчилар ёрдам берди. Қўзғалон кўтарган денгизчиларга ёрдам бериш мақсадида бутун Бомбей ишчилари ҳам кўтарилиб чиқди. Шаҳарда армия ва полицияга қарши баррикада жанглари бошланиб кетди. Бундан ташқари, талабалар, ўқитувчилар ва банк хизматчилари ҳам иш ташлаш ҳаракатлари билан чиқдилар. Буларнинг таъсирида деҳқонларнинг зодогон ер эгаларига қарши ер учун кураши ҳам кучайиб кетди. Ҳиндистоннинг жануби – Ҳайдаробод ва Траванкордаги деҳқонлар ҳаракати айниқса кучли бўлди ⁶ . Ҳиндистондаги инглиз аскарлари штабининг собиқ бошлиғи лорд Исмей мамлакатда юз берган вазиятни бундай тасвирлаган эди: *“Ҳиндистон трюмдаги ўқ-дорилари билан океан ўртасида ёнаётган кемага ўхшар эди.”*

Ана шундай шароитда Англия мустамлакачи маъмурлари орқага чекинишга ва олдиндан Ҳиндистонни икки доминионга – Ҳиндистон ва Покистонга бўлиб юбориб, Ҳиндистон халқининг мустақиллик ҳуқуқини

⁶ Редько И. Ҳиндистон Республикаси. – Т.: Ўздавнашр, 1956. 32-бет

тан олишга мажбур бўлдилар. Буюк Британия бош вазири К. Эттли Ҳиндистондаги вазиятга нисбатан парламентдаги норозиликларни юмшатиш ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун Ҳинд ўлкаси миллий-озодлик курашчиларига ён беришга мажбур бўлди. 1947 йил 3 июлда қабул қилинган Ҳиндистонни иккита доминионга бўлиш тўғрисидаги “Маунтбеттен режаси”⁷ асосида бир бутун Ҳиндистон икки қисмга бўлинди. Бу бўлиниш Ҳиндистон халқининг иқтисодий ва миллий манфаатларига ҳилоф равишда, диний белгига қараб амалга оширилди. Натижада аҳолисининг кўпчилиги ҳиндуизм динида бўлган ҳудудлар Ҳиндистонга, аҳолисининг кўпчилик қисми ислом динида бўлган ҳудудлар эса Покистонга ўтиб қолди. Аҳолининг миллий таркиби, районларнинг иқтисодий алоқаси ҳам, ҳатто ҳудудларнинг географик ёндошлиги ҳам бунда инобатга олинмади.

Ҳиндистоннинг бу хилда бўлиниб кетиши Ҳиндистон билан Покистонга анча зарар етказди. 1947 йил августда инглиз парламенти “Маунтбеттен режаси”ни шу йили 15 августдан кучга кирган Ҳиндистон мустақиллиги тўғрисидаги Қонун сифатида қабул қилди. Айнан шу кунини Жавахарлаъл Неру биринчи бўлиб Деҳлидаги тарихий Қизил Форт устида Ҳиндистон миллий байроғини кўтарди. Кўп йиллик Ҳиндистон миллий озодлик курашчилар авлодининг қаҳрамонона кураши муваффақиятли якун топди. Миллий инқилобнинг ғалабаси билан Ҳиндистон тарихида янги – мустақил тараққиёт даври бошланди.

Ҳиндистонни доминион деб эълон қилиниши билан мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий макромини тубдан ўзгартиришга киришилди. Собиқ Британия Ҳиндистони провинциялари ва князликларини бирлаштирган федерация асосида вужудга келган Ҳиндистон иттифоқи

⁷ “Маунтбеттен режаси” Ҳиндистоннинг сўнгги вице-қироли Маунтбеттен томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда Ҳиндистондан инглиз қўшинларини олиб чиқиб кетиш, ҳукуматни ўлкадаги илғор икки партия: Ҳиндистон Миллий Конгресси ва Мусулмонлар Лигаси бошқарувига топшириш, улар бошқарувида бирига қарама-қарши иккита диминион: Ҳиндистон иттифоқи ва Покистонни тузиш кўзда тутилган эди. Бу ҳақда қаранг: Антонова К. А. и др. История Индии (краткий очерк). – М., 1973. с. 478-481.

худудида инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонунлар ижроси бутунлай тугатилди. Мохандас Каримчанд Гандининг сафдошлари ва Конгресс раҳбарларидан бири Ражендра Прасад бошчилигида Таъсис Мажлиси ўз ишини бошлади. Мустақил Ҳиндистоннинг биринчи ҳукумати бир вақтнинг ўзида ташқи ишлар ва мудофаа вазирлиги вазифаларини бажараётган Жавахарлаъл Неру шакллантирди. Вазирларнинг кўпчилиги Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси аъзоларидан бўлди. Улардан ташқари адлия вазири этиб “Бўйсунмаслик” Федерацияси лидери Б. Р. Амбедкар, саноат вазири этиб Ҳинду Маха сабҳа лидери Ш. П. Мукерджи тайинланди.

Янги давлат кучлари олдида мамлакатдаги мустақил ички ва ташқи сиёсатда инглизлар ҳукмронлигини бартараф этиш учун қуролли кучлар ва бошқарув аппаратини ҳиндийлаштириш бўйича чоралар қуриш вазифаси турарди. Ҳиндистон ҳукумати 1948 йил февралга келиб сўнгги инглиз ҳарбий контингентини мамлакатдан чиқариб юборишга эришди⁸. Кўп миллатли мамлакат бўлган Ҳиндистонда маъмурий бўлиниш муаммоси ҳамма вақт муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, миллий масала билан қаттиқ боғланиб келди.

Ҳиндистоннинг маъмурий бўлинишида Ҳиндистон икки қисмга, яъни Британия Ҳиндистонига ва князликларга бўлинган мустамлака давридаги маъмурий бўлиниш излари мустақилликнинг давстлабки кунларида ҳам мавжуд эди. Британия ҳукумати Ҳиндистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракатига қарши қурашда инглиз мустамлакачиларининг суянчиғи бўлган князликларни сақлаб келди. Ҳиндистоннинг икки қисмга бўлиниб кетиши олдидан унда 500 тадан ортиқ князликлар бўлган. Бу князликлар бутун Ҳиндистон ҳудудининг 45 фоизини банд қилар эди. Бу князликларда мамлакат аҳолисининг тўртдан бир қисми яшар эди. Ҳар қайси князликнинг ўз қонунлари, пул

⁸ Антонова К. А. и др. История Индии (краткий очерк). – М., 1973. с. 478-481; Дьяков А. М. Республика Индия. – М., “Знание”, 1955. стр. 27; Пронин А. А. Независимая Индия. – М., 1959. стр. 89.

тизими, тарози ўлчовлари бож тўловлари бор эди ва ҳоказо. Бутун Ҳиндистоннинг парчаланиб кетиши мазлум Ҳиндистон халқларининг иқтисодий ва сиёсий юксалиши йўлидаги энг жиддий ғовлардан бири бўлди. Ҳиндистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ҳукумат мамлакатнинг маъмурий тузилишида бир қатор муҳим ўзгаришлар қилишга мажбур бўлди.

1947 йилда бевосита Ички Ишлар вазири Валлабхай Пателъ бошчилигида князликлар ишлари бўйича махсус вазирлик ташкил этилди. У бир неча князлар билан олиб борган мулоқотидан кейин уларни Ҳиндистон иттифоқи таркибига қўшиш имкони бўлди. 1947-1949 йилларда 601 та князликдан 555 таси Ҳиндистон таркибига қўшилди, қолгани эса Покистон таркибига ўтди.⁹

Ҳиндистон халқи доминион мақоми билан қаноатланмасдан курашни давом эттирди. Халқ империалистик кулликка қарши узоқ ва қаттиқ кураш олиб бориб, пировардида ғалаба қилди. 1949 йил 26 ноябрда Таъсис Кенгаши Ҳиндистон конституциясини қабул қилди. Бу мамлакат тарихий тақдирида буюк бурилишни ҳуқуқий асосини билдиради.

⁹ Антонова К. А. и др. История Индии (краткий очерк). – М., 1973. стр. 480

2. М.Гандининг “Менинг ҳаётим” асари Ҳиндистон миллий озодлик кураши манбаси сифатида

Шубҳасиз 1905-1947 йилларда Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларига қарши миллий озодлик кураши тарихининг асосий манбалари ушбу озодлик кураши йўлбошчилари Мохандас Карамчанд Ганди ва Жавоҳарлал Неру қаламига мансуб асарлар ҳисобланади. Сабаби, ушбу миллий қаҳрамонлар ўз фаолиятини кейинчалик автобиография тарзида тўлиқ мемуар асар ҳолига келтиришган. М.Ганди номи билан боғлиқ бўлган гандизм таълимоти Ҳиндистондаги асосий ҳукмрон партия - Ҳиндистон Миллий конгрессининг расмий мафкураси ҳисобланади. Айнан ушбу таълимот миллий озодлик ҳаракатининг шиорини ташкил этди ва натижада ғалабага эришди. М.Ганди “сатьяграха” (“куч ишлатмасдан курашиш”) тактикасини ишлаб чиқди. У 1915 йилдан Миллий конгресс ишларида фаол қатнаша бошлаган. М.Ганди инглиз мустамлакачиларига қарши тинч намойишлар ўтказиш, чет эл товарларини бойкот қилиш, расмий мансаб ва унвонлардан воз кечиш, солиқ тўлашдан бош тортиш каби кураш усуллари орқали меҳнаткаш оммани курашга жалб этган. М.Ганди ҳиндулар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга интилан. Кастачиликка қарши курашган. М.Гандининг ҳиндуизмга эътиқоди чуқур бўлган аммо, бошқа динларга ҳурмат билан қараган.

Маҳатма Ганди ўзининг “Менинг ҳаётим” номли мемуар асарида ўзининг сиёсатдаги фаолияти ҳақида қуйидагиларни келтириб ўтган: “Амритсардаги Конгресс мажлисларида иштирок этганимни мен, Конгрессда ўз сиёсий фаолиятимнинг чинакам бошланиши деб қарайман. Конгресс фойдали бўлиши мумкин бўлган айрим нарсаларга нисбатан маълум қобилиятим борлигини тушундим. Локманья, Дешбандху, пандит Мўтилаължий ва бошқа раҳнаомларнинг Панжобдаги текширувлардан мамнун эканликларини кўрдим. Улар кўпинча

резолуция лойиҳалари ишлаб чиқиладиган норасмий мажлисларига мени таклиф этишарди. Конгресс менинг бошқа қобилятим, турлитуман лойиҳалар тузиш қобилятимдан фойдаланиши мумкин эди. Конгресс раҳнамолари фикрларимни қисқа ва лўнда баён этиш қобилятимни пайқаб қолишди. Мен бунга узоқ давом этган амалиётим натижасида эришганман. “Кҳадий” ҳаракатининг бундан кейинги тараққиётини тасвирлашда қуйидагиларни айтиш мумкин. Ака-ука Алилар ташкил этган исломий давлатнинг қудратли ҳаракати айна авж палласида эди. Мен ҳозирда марҳум Мавлоно Абдул Борий ва бошқа уламолар билан узоқ суҳбат қилдим. Бизнинг суҳбатимиз мусулмонларнинг куч ишлатмаслик қондасига қай даражада риоя қилишлари тўғрисидаги масалага дахлдор эди. Модомики куч ишлатмасликка онт ичдими, унга амал қилиш шарт. Аввалига Ҳаким Соҳиб куч ишлатмасдан ҳамкорлик қилмасликни амалда ўтказиш имкониятига шубҳа билан муносабатда бўлди. Бироқ, унинг шубҳалари тарқалгандан кейин у жон-дили билан бу ҳаракатга берилиб кетди ва унинг ёрдами ҳаракат учун беқиёс бўлди¹⁰.” Бундан кўринадикки, ҳали Ҳиндистон мустақилликка эришмасдан туриб, унинг ташқи сиёсати тамойили Миллий Конгрессдаги Маҳатма Ганди фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. М.Гандининг қуйидаги сўзлари ҳам унинг “сатьяграха”ни жамиятга анча аввал тадбиқ эта бошлаганини кўрсатиб беради.

“Бирмунча муддатдан кейин мен Гужарот сиёсий анжуманида ҳамкорлик қилмаслик тўғрисидаги резолюцияни олға суриб чиқдим. Мухолифат аввалига Конгресс қабул қилмагунча провинциал анжуманни резолюциянинг қабул қилишга ҳаққи йўқ деб эътироз билдирди. Мен бундай чеклов фақат ўтмишдаги ҳаракат учун мақбул деб уқтирдим, аммо гап келажак тўғрисида, фаолиятимизнинг бундан

¹⁰ Ганди М.К. Менинг ҳаётим. Т., 2009.

кейинги йўли тўғрисида кетар экан, қуйи ташкилот фақат мутлақо ваколатлигина эмас, балки ҳатто агар унда бунинг учун зарурий сабр-чидам ва журъат бор бўлса, шундай йўл тутиши шарт ҳам. Агар гап бутун ҳадик ва таваккални бўйнига олиб, марказий ташкилотнинг обрўйини кўтаришга интилиш тўғрисида кетаётган бўлса, ҳеч қанақа рухсат-пухсатнинг кераги йўқ, дедим қатъий тусда. Сўнг таклиф жиддий муҳокама қилинди, лекин мунозаралар, ҳар қанча кескин бўлишига қарамай, “хушчақчақ, босиқлик” муҳитида кечди. Резолюция мутлақ кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Резолюциянинг муваффақияти кўп жиҳатдан оқловчи Валлабхай ва Аббос Тйабжийнинг шахсий фазилатлари билан изоҳланади. Аббос Тйабжий анжуманда раислик қилди ва у ҳамкорлик қилмаслик тўғрисидаги резолюцияга хайрихоҳлик билан қаради.

Гандизм-ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий таълимот бўлиб М.Ганди томонидан ишлаб чиқилган ва ҳинд миллий озодлик ҳаракатининг мафкурасига айланган. Гандизм келиб чиқишидан қадимги ҳинд анъаналарига бориб тақалади. Ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда диний ахлоқ нуқтаи назаридан ёндашиш бу таълимотга хос хусусият. Ер юзида “сарвадойя”, яъни “умумий фаровонлик жамияти” қуриш ғоясини илгари сурган. Бу мақсадга эришишнинг усули-“сатьяграха”, яъни “куч ишлатмасдан курашиш”дир. Тарихан шаклланган тартиботлар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш зарур, уларни куч ишлатмасдан аста-секин янги мазмун билан тўлдириб, қайта қуриш керак. Гандизм жамиятдаги тенгсизликни рад этади, кастачиликка қарши чиқади. Ҳиндистон мустақилликка эришганидан (1947 йил) ва М.Гандининг фожиаги ўлиmidан кейин гандизм миллий озодлик кураши мафкураси сифатидаги мавқеини йўқотди.

“Менинг ҳаётим”да М.Ганди Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати тарихини хронологик тарзда ҳикоя қилиб берган. Лекин, М.Ганди асосий

эътиборни тарихий воқелар, йиллар, инсонларга нисбатан зулмнинг кучайиб бориши кабиларга қаратмай, миллий ҳаракатнинг моҳиятини очиб беришга интилган. Асар билан танишган инсон М.Ганди бунга нечоғлик эришганига амин бўлди.

3. Ж.Неру асарлари ва уларда Миллий озодлик кураши тарихининг ифодаланиши

Биринчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейин Ҳиндистон халқ-озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган Моҳандас Карамчанд Гандининг халқ ўртасида зўр обрў-эътиборга эга бўлиши Ж. Неруга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади ва у инглиз империалистларига қарши М.Ганди бошлаган курашнинг биринчи сафида бўлди; кейинчалик эса, Махатма Гандининг энг яқин сафдошларидан бирига айланди. Аммо, ҳинд халқи олдида турган қатор муаммолар хусусида Неру ўз устозидан олдинга кетди. Жумладан, Ҳиндистоннинг келажак тараққиёти масаласида Неру анчагина тараққийпарвар йўлни тутди.

Жавоҳарлаъл Неру Ҳиндистоннинг йирик сиёсий арбоби бўлиш билан бир қаторда таниқли олим ҳам эди. У ҳақиқатан чуқур қомусий билим соҳиби, кенг фалсафий мушоҳада кишиси, мутафаккир ва шоир ҳисобланган. Неру сиёсат билан шуғулланмаган тақдирда ҳам ўз илмий тадқиқотлари билан диққат ва эътиборга сазовор бўларди. Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида батамом мужассамлаштирган буюк байналмилалчи Ж.Неру Европа, Осиё, Африка тарихига бир хилда ёндашди, уларни бири-биридан паст ёки юқори қўймади, кишилиқ тарихини барча инсоният учун барабар ва умумий деб ҳисоблаб, Ғарб билан Шарқни яқинликка даъват этди. Шунинг учун ҳам, Неру каби сиймолар бутун инсониятга мансуб бўладилар¹¹. Ж.Неру дунёқарашига кўра, миллий ислохотлар мақомида туриб, бозор муносабатларининг янгича йўлига ўтишга ҳайрихоҳлик билан қаради. Умуман, Ж.Неру жаҳон халқлари тарихи, фалсафа, иқтисод каби ижтимоий фанлар соҳаларининг чуқур билимдони эди. Унинг сайланма асарларининг ўзи 9 жилддан иборат¹². Унинг

¹¹ Обидов Б. Жавоҳарлаъл Неру дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 40-43 б.

¹² Джавахарлал Неру. Автобиография.(перевод. В.В.Исаакович, Д.Э.Кунина, В.Н.Павлов)- М., «Иностранной литературы», 1955. С.6.

асарларида Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати тарихи батафсил ва ўз ҳаётига қўшиб ёритилган. Ж.Нерунинг “Таржимаи холим”, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши”, “Жаҳон тарихига назар”, “Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати” каби йирик асарлари турли тилларда чоп этилган. Неру ўзининг “Жаҳон тарихига назар” асарида қадимги даврдан то XX асрнинг 30 йилларигача бўлган инсоният ўтмишини қисқача баён қилади. Жавахарлаъл Неру Ҳиндистонни янгидан кашф этган инсон сифатида амалга оширган ишлари ҳақидаги мухтасар маълумотларни ўзининг “Автобиография”¹³, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши”¹⁴, “Ҳиндистон ташқи сиёсати”¹⁵, “Мустақиллик ва ундан кейинги йилар”¹⁶, “Ҳиндистоннинг озодлиги”¹⁷ каби ўндан ортиқ асарларида батафсил ёритиб берган.

Унинг бир қанча асарларида Ҳиндистон миллий озодлик кураши тарихи кенг ёритилган. Булар: “Ҳиндистоннинг озодлиги”, “Мустақилликдан олдин ва кейин” “Мустақилликдан сўнг”, “Ҳиндистон бугун ва эртага”, “Бир неча кўҳна мактублар”, “Ҳиндистонда ўн саккиз ой”, “Биринчи олтмиш йил”, “Муқаддима. Тинчликка йўл. Уруш сабоғи.”, “Хитой, Испания ва уруш”, “Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати”, “Режалаштириш ва тараққиёт” ҳамда “Автобиография” асарларидир. Хусусан; 1921 йилда мустақиллик учун курашда фаол қатнашган ота-ўғил Мотилал ва Жавахарлаъл минглаб ҳинд эркесварлари қаторида қамоққа ташланди. Икки йилдан сўнг озод бўлган Жавахарлаъл тезда Ҳиндистон Миллий Конгрессининг бош котиби этиб сайланди¹⁸. 1929 йилда Жавахарлаъл Конгресснинг раислигига сайланди. 20-йилларнинг охири ва 30-40 йилларда Ж.Неру инглизлар томонидан 8 марта ҳибсга олинди ва 10 йил

¹³ Jawaharlal Nehru. An Autobiography. – London, 1953. P. 610.; Джавахарлал Неру. Автобиография.(перевод. В.В.Исаакович, Д.Э.Кунина, В.Н.Павлов)- М., «Иностранной литературы», 1955. С.653.

¹⁴ Jawaharlal Nehru. The discovery of India. London, P. 600.; Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М.-Л., «Иностранной литературы», 1955. С.650.

¹⁵ Jawaharlal Nehru. India's Foreign Policy. Delhi. 1961. (Selected speeches); Джавахарлал Неру. Внешняя политика Индии. Избранные речи и выступления. -М., 1965. С. 210.

¹⁶ Jawaharlal Nehru. Independence and after. Delhi. 1949. P. 230.

¹⁷ Jawaharlal Nehru. India's Freedom. I., 1962. P. 175.

¹⁸ Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. (биография, 1-том 1889-1947), М., «Прогресс», 1989. С.371.

камоқда сақланди¹⁹. Унинг М.Ганди билан олиб борган озодлик кураши колониаль ҳукумат билан ҳамкорликни тугатиш, Буюк Британия товарларига байкот эълон қилиш кабилар билан ифодаланди. Ж.Неруни полиция бир маротаба револьвер орқали отишга ҳам уриниб кўрган. Неру 30-йиллардаёқ халқаро майдонда тинчлик, адолат, демократия ва тараққиёт ғоялари учун изчил ва довурак курашчи сифатида танилди. 1937 йил бошида вилоятларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига 1935 йилги Конституцион Акт асосида сайловлар ўтказилди. 11 вилоятнинг 8 тасида Миллий Конгресс ғолиб чиқди²⁰.

1936 йил Ж.Неру қамоқдан чиққан пайтда “Мен аминманки, муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли бу социализм, у ҳинд жамиятидаги ишсизликни бартараф этади”, деган ²¹. 1938 йили Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси аъзолари сони 10 баробар кўпайиб, 5 млн кишини ташкил этди. 1939 йил 3 сентябрда Ҳиндистон халқининг розилиги ва ҳоҳиши билан ҳисоблашмаган инглиз ҳукумати томонидан иккинчи жаҳон уруши гирдобига тортилди. 1941 йил июнда фашистлар Германиясининг собиқ Иттифоққа ҳужум қилиши Ҳиндистондаги сиёсий вазиятни ўзгартирди. Миллий Конгресс Собиқ Иттифоққа ўз хайрихоҳлигини билдирди. Уруш сўнггида Ҳиндистон билан Англия империализми ўртасида иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кескин кучайди. Неру ва унинг сафдошлари фашизм ва империалистик урушга қарши чиқдилар. Урушдан сўнг инглиз империализми Ҳиндистонда барпо этган тузум омманинг кураши тазйиқи остида барбод бўлиши аён бўлди. Ўзларини Ҳиндистондан улоқтириб ташланишидан ниҳоятда ташвишга тушган инглиз мустамлакачилари давлатни бошқаришни ҳиндларга топширдилар.

¹⁹ Ғиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. –Б. 150.

²⁰ Горев А., Зимянин В. Неру. (Жизнь замечательных людей), -М., 1980. С.138.

²¹ Володин А., П.Шаститко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. П. М. 1990. –С. 34.

Нерунинг амалий фаолияти ва унинг Ҳиндистон маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаси билан боғлиқ барча масалалар комплексидан фақат биринигина, яъни ижтимоий воқеликларга баҳо беришда унга асосий мезон сифатида хизмат қилган инсонпарварлик томони ҳақида ҳам айтиш лозим. Жавоҳарлаъл Неруни биз буюк инсонпарвар (фалсафий ибора билан гуманист) деб аташимиз лозим²². Унинг асарлари ва мақолаларида инсоннинг ўзига хос концепцияси, яъни унинг дунёдаги ўрни, роли ва вазифаси акс этган. У ерда биз озодлик ва зарурат, шахснинг масъулияти ва уни такомиллаштириш воситалари, юқори гуманистик ғояларни амалга оширишга олиб борадиган йўллар ҳақидаги фикрларни кўрамиз. Мазкур масалалар унинг миллий озодлик инқилобининг мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал қилинган.

Махатма Ганди ва Жавоҳарлаъл Нерудаги қатъийлик миллий-озодлик ҳаракатини демократиялашувига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Оммавий халқ ҳаракатининг кучли тўлқини колониал зулмни янчиб ташлади ва миллий-озодлик инқилоби янги босқичга кирди. Ж.Неру каби арбоб ва мутафаккир учун инсонпарварлик тамойилларига мурожаат этиш бутунлай қонуний ҳодиса эди. Ушбу тамойиллар тараққийпарвар ҳинд ижтимоий фикрига хос бўлиб, улар табиий равишда ўрта асрдаги жоҳиллик ва мустамлакачилик зулмига қарши кураш, миллий онгнинг уйғониши, турли ижтимоий қатламларнинг фаоллашуви, Ҳиндистоннинг кейинги тараққиётига олиб боровчи йўлларни ахтариш шароитида шаклланди. Инсон масаласини умумий тарзда муҳокама қилар экан, Неру гуманистик позицияга оғишмай амал қилди, унинг ижодий кучи ва юксак идеалларига юқори баҳо берди. У ўзининг “Жаҳон тарихига бир назар” китобида шундай деб ёзган эди: “Инсон руҳи нақадар ажойиб! Ўзининг ожиз томонлари кўплигига қарамасдан, инсон асрлар давомида ўз ҳаёти ва ўзи учун қимматли бўлган барча нарсалар: юксак ғоялар учун, ҳақиқат учун, эътиқод учун, ватан ва номус

²² Обидов Б. Жавоҳарлаъл Неру дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. –Б. 41.

учун доимо қурбонлар бериб келди. Ушбу юксак ғоя ўзгариб туриши мумкин, лекин ундаги ўз-ўзини қурбон қилишга бўлган салоҳият ўзгармайди, ана шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан инсонни кечириш мумкин ва унга бўлган ишончни йўқотмаслик керак²³". Яна киши диққатини тортадиган нарсашуки, шахснинг табиий бурчи сифатида халққа хизмат қилиш ҳақидаги фикрнинг ўзи Нерунинг қарашларида кенг умумдемократик мазмунга эга эди. Ҳаётининг турли давларида билдирилган ушбу фикр мустақиллик йилларида қуйидагича янграган эди: "360 миллион кишига - озчилик учун эмас, гуруҳлар учун эмас, балки барча учун ишлаш... сиёсатимизнинг мазмунини ташкил этади, деб ҳисоблайман²⁴".

Неру ҳар бир алоҳида инсоннинг тақдири мамлакат ва халқ тақдири билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблар эди. Неру шахснинг миқёси унинг халқ, оммаси билан яқинлигига боғлиқ бўлиб, омманинг умид ва армонларини тушуниб етган ҳамда ифодалай олган йўлбошчигина қандайдир аҳамият касб этиши мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, М.К.Ганди ана шундай шахслардан эди... ва унинг буюклиги шу билан белгиланади. Неру ўз шахсиятига ҳам ана шу позициядан туриб ёндашарди. Юзага келган шароит уни кўплаб бошқа инсонлар қаторида мамлакатда бир неча ўн йиллар давомида юз берган драматик воқеаларда иштирок этишга даъват эгганлигини Неру кўп марта таъкидлаб ўтган. Бунда у ўзининг миллий-озодлик ҳаракатидаги иштироки ва мустақил республиканинг бош вазири лавозимида олиб борган фаолиятини назарда тутган. Шунга ўхшаш барча фикрларни унинг қуйидаги сўзлари билан асослаш мумкин: "Халқ асосий иштирокчи эди, унинг орқасида эса, буюк тарихий кучлар туриб уни олдинга юришга туртки берган... Агар ушбу тарихий шароит ҳамда сиёсий ва ижтимоий кучлар бўлмаганда, ҳеч қандай дохийлар ёки

²³ Jawaharlal Nehru. Glimpses of world history. – London, 1949. P. 176.

²⁴ Обидов Б. Ўша жойда.

агитаторлар халқни ҳаракат қилишга мажбур эта олмас эдилар”²⁵. Шубҳасиз, халқ оммаси ва шахснинг тарихда ўйнаган ролини тушуниб етишда Нерунинг объектив тарихий қонуниятларни тан олганлиги асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонуниятларга таянган ҳолда у халқнинг ижтимоий ҳаётини тубдан ўзгартириш зарурлигини асослаб беради.

Мамлакатни қайта тиклаш учун олиб борилган кураш жараёнида Неруда бир нарсага ишонч ҳосил бўлди, яъни ҳар қандай синфий ва миллий зулм, ижтимоий анохронизмлар (масалан, кастачилик системаси), ижтимоий тенгсизлик, диний фанатизм, ирқий устунликни тарғиб этиш ҳар бир шахс ва инсониятнинг ҳар томонлама ривожланиши учун жиддий тўсиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Неру ўзининг бутун фаолияти даврида ҳинд жамиятидаги шундай иллатлар билан курашиб келди.

Неру гуманизмнинг танқидий йуналиши унинг мустамлакачиликка нисбатан муросасизлигида яққол намоён бўлади. У Ҳиндистонда инглиз ҳукмронлиги хусусиятини чуқур таҳлил қилди ва унинг мамлакат учун ҳалокатли оқибатларини ўта синчковлик билан тўла очиб берди. Ҳиндистон сиёсий мустақилликка эришгандан кейин ҳам, Неру мустамлакачиликка қарши аёвсиз курашчи бўлиб қолди.

Мустамлакачиликка қарши кураш жараёнида шаклланган Нерунинг гуманистик концепциясидаги кўпгана ижтимоий-танқидий элементлар ривож мустақиллик қўлга киритилгандан кейин ҳам давом этди. Неру XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб умрининг охиригача феодализм ва колониализм қуроллари ҳисобланган коммунализм ва диний шовинизмни кескин қоралаб келди. Ана шу унсурларга қарши кураш Нерунинг сиёсий фаолиятидаги энг муҳим куч эди. 1929 йилда у шундай ёзган эди: “Мен коммунализмни, унинг қандай кўринишда

²⁵ Неру Дж. Автобиография. -М, 1958. -С. 304.

бўлишидан катъий назар, ёмон кўраман²⁶”, 1954 йилда у ўз нутқларидан бирида яна қайтариб: “Менга келсак, мен ҳар бир сайловда ютқазишга тайёрман, лекин коммунизм ва кастачиликка омонлик бермайман”, деб таъкидлаган²⁷.

Ж.Неру фаол равишда ижтимоий тенгсизликка ҳам қарши чиққан. 1929 йилда у шундай деган эди: “Мен қирол ва князларга ишонувчи ёки янги қироллар - индустрия қиролларини келтириб чиқарувчи тузумга ишонувчиларга қўшилмайман... чунки уларнинг бошқарув усуллари эски феодал аристократияси усуллари каби талон-тарож қилишдан иборат²⁸. XX асрнинг 50- йилларида ҳам худди шунга ўхшаш фикр билдирган: “Мен иқтисодий ҳокимиятни концентрациялаш тарафдори эмасман. Мен хусусий секторга қарши эмасман, лекин монополистик тенденцияларга қаршиман²⁹.” Нерунинг дунёқарашида иқтисодий ривожланиш ғояси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. У шу ғояни у қатъийлик билан илгари сурди. Чунки, ижтимоий тараққиётга эришиш ва жамиятдаги барча демократик қатламларнинг янги Ҳиндистонни барпо этишда мустақил равишда иштирок этишини таъминлашда бу ғоя муҳим аҳамият касб этишига ишонар эди. Ҳалқлар орасида тинчлик ва дўстликни ҳимоя қилишда ҳам, Неру самарали фаолият олиб борди. Унинг дунёқарашидаги инсонпарварлик руҳи ана шу ишда унга куч бағишлади. Ушбу ғоянинг мамлакати учун тинчлик, янгиланиш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун ниҳоятда зарур шарт ҳисобланишини у, бир неча бор таъкидлаб ўтган: “Агар бизнинг машаққатларга тўла тинчлигимиз устига уруш ёпирилиб келса, бизнинг янги Ҳиндистон тўғрисидаги орзу-умидларимиз пучга чиқади³⁰.”

²⁶ Nehru J. India's Freedom. I, 1962. P. 10.

²⁷ Neru's Speeches, 1953. 1957. New Delhi, 1957, P. 455.

²⁸ Nehru J. India's Freedom. I., 1962. -P. 14.

²⁹ Nehru J. India's Freedom. I., 1962. -P. 35.

³⁰ Неру Дж. Внешняя политика Индии. Избранные речи и выступления. -М., 1965. -С.71.

Шу билан бирга, умумий тинчликни у гуманистик ғояларни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири деб уйлар эди: “бизнинг вазиғамиз тинчликни ёки аслини олганда, бутун цивилизациямизни асраб қолишдан иборат”. У доим милитаризм ва босқинчилик урушлар ғоясига қарши турди, чунки улар халқлар ва давлатларнинг бунёдкорлик фаолиятларига тўсқинлик қилади, моддий бойликларни йўқ қилади, одамларни руҳан йўқ қилади, уларнинг маънавий бузилишига олиб келади. “Уруш пайтида, - деб ёзади у, -цивилизациянинг ривожланиш жараёни тўхтади ва инсон онги аллақандай варварлик даражасига тушиб қолади³¹.”

Одатда ўз қадрини билмаган инсон ўзининг ота-онаси, оиласи, фарзандлари, халқи, ватанини ҳам муносиб тарзда қадрига етмайди. Аксинча, ўзининг инсоний қадрини чуқур англаган одамгина худди ўзидек, бошқа бир одамга қарам, тобе, боқиманда бўлмайди. Буни ўзи учун иснод, инсоний шаънининг топталиши деб билади. Худди шундай, ўз қадрини билган халқ ҳам ўзидек, бошқа бир халққа қарам бўлмайди. Бошқа бир халқ зўравонлик билан ўзига қарам қилиб олган тақдирда ҳам, бундай ўз шаънига номуносиб ҳолатдан халос бўлишнинг йўлларини қидиради. Ҳинд халқининг йўлбошчиси Махатма Ганди ўз халқини инглиз мустамлакачилиги асоратларидан халос этишда қўллаган усул – “зўравонсизлик кураш – тинч йўл билан кураш”ни олиб, унинг моҳиятини жиддийроқ қарасак: миллион-миллион ҳинд халқи бир ёқадан бош чиқариб, яктан, яқдил ва яқнафас бўлиб баҳамжихат равишда ўз ишларини шундай билиб-билиб қилганки, натижада бир ҳовуч инглиз мустамлакачилари бу халқни амалда мутлақо идора қилолмай, ҳокимиятни қўлдан бой бериб қўйган. Оқибатда, ўзларини мамлакатда буткул ортиқча ҳис қилиб, яшаёлмай қолган ва ўз ихтиёри билан Ҳиндистонни тарк этишга мажбур бўлган.

³¹ Неру Дж. Ўша асар. 117.

Махатма Ганди йўлидан борган Жавоҳарлаъл Неру кучли иродали шахс бўлган, хусусан, шундай йўл тутганки, Аллоҳободдаги инглиз ҳукумати қамоқхонасида ётиб ҳам тушкунликка берилмаган. Ўз жонига ўзи қасд қилмаган... . Дж.Неру асарларида Ҳиндистон миллий озодлик кураши тарихи нисбатан батафсилроқ ёритилган. Сабаби, у ўз таржимаи холини ёза туриб, мамлакатда инглизлар зулмига қарши бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни ҳам кенг ёритиб борган.

4. Ҳиндистон миллий озодлик кураши ёритилган бошқа асарлар

Ҳиндистон миллий озодлик кураши тарихи ёритилган манбалар шунчалик кўпки, уларни алоҳида санаб ўтишнинг бевосита имкони мавжуд эмас. Лекин, шундай муҳим манбалар борки, уларнинг номини ва мазмунини бирма-бир айтиб ўтиш лозим. Жумладан, Ҳиндистон миллий озодлик кураши даврида яшаган ажойиб тарихчи олим Р.Прасаднинг 1947 йилда ёзиб нашрдан чиқарилган асари “Ҳиндистон бўлинди” (Бомбей, 1947 йил), Алтаф Ҳусайн Хали қаламига мансуб “Ҳаёти джавид” асари мусулмонлар лигасининг инглизларга кураши тарихи ёритилган муҳим асарлар сирасига киради. Бундан ташқари, Иқбол Али Шохнинг 1944 йилда нашр этилган Пакистания: Ҳиндистон учун режа асари, М.А. Жиннанинг 1947 йилда нашр этилган “Сухбатлар, ёзишмалар”и, С.Ансарининг “Покистон. Ҳиндистон учун муаммо” асари, Ҳ.Мукержининг 1948 йилда нашр этилган “Ҳиндистоннинг озодлик учун кураши”, М.Нўмоннинг 1942 йилда ёзилган “Ҳиндистон мусулмонлари”, А.К.Озоднинг 1959 йилда нашр этилган “Ҳиндистон озодликни ғалаба қилди” автобиографик асарлари ҳам бу давр тарихини ёритишда бирламчи манбалар ҳисобланади. Ушбу асарлардан бир талай тарихий ҳақиқатлар келтирилган бўлиб, уларнинг бир қисми тарих китобларига ҳам киритилган. Хусусан, Ҳиндистон Миллий Конгресси I жаҳон уруши ва октябрь инқилоби таъсирида ўз сиёсатини ўзгартирганлиги, мустамлакачиларнинг Амритсар қирғини (1919 йил апрель)дан сўнг декабрда Миллий конгресс итоат қилмаслик компаниясини авж олдириб юборгани бундан тақшари, 1918-20 йиларда ишчилар миллий ҳаракати, 1920 йили Бутун Ҳиндистон касаба уюшмалари конгресси фаолияти, 1923-27 йилларда миллий озодлик ҳаракати вақтинча сусайиб қолганлиги тарихий фактлар билан ифодаланган.

Мустамлакачи ҳукмрон доиралар коммунистлар таъсиридан чўчиб, уларга қарши репрессия бошлаганлиги, 1929-33 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Ҳиндистон аксипералистик ҳаракатини янги босқичга кўтариб, 1930 йили Миллий Конгресс М.Ганди раҳбарлигида яна бўйсунмаслик компаниясини бошлаб юборган вақтдаги тарихий воқеалар ҳам ифодаланган. 1931 йил мартда Конгресс раҳбарлари мустамлакачи ҳукмрон доиралар билан музокара бошлади. Ҳар икки томон келиша олмагач, бўйсунмаслик компанияси 1934 йилгача давом эттирилди. 1935 йили Англия парламенти Ҳиндистонни бошқариш тўғрисида Конституцион Акт (қонун) қабул қилди. Бунга кўра, вилоятларнинг автоном ҳуқуқлари бир оз кенгайтирилиб, уларда маҳаллий ҳукумат тузилди. Лекин, ҳокимият илгаригидек инглиз мустамлакачилари қўлида қолаверди. Мамлакатда бу реакцион Актга қарши намойишлар бўлиб ўтди.

Ушбу манбалар ичида М.А. Жиннанинг 1947 йилда нашр этилган “Сухбатлар, ёзишмалар”и алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби, унда Покистоннинг давлат сифатида шаклланиб, ўз суверенитетини қўлга киритгунга қадар кечган муҳим жараёнлар бевосита муаллифнинг ҳаёти билан бирга ривожланганлиги акс эттирилган.

ХУЛОСА

Ушбу курс ишимизга хулоса сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш лозим:

- Ҳиндистон миллий озодлик кураши тарихини ёритишда бизга бирламчи манба вазифасни ўтайдиган кўплаб асарлар бугунги кунгача соф ҳолда етиб келганлиги бу даврни ўрганишни бир мунча енгиллаштиради. Аммо, реал тарихий воқеяликни акс эттиришда тарихий манбаларнинг кўплиги, улар ичидан муносибларини танлаб ишга жалб этиш муаммосининг мавжудлиги фикримизча ишнинг мураккаблигини белгилайди.

- Шубҳасиз Ҳиндистон миллий озодлик кураши тарихини ёритишда ушбу курашнинг йўлбошчилари М.Ганди, Дж.Неру каби мутафаккирлар ёзиб қодирган мемуар асарлар, тарихий манбалар вазифасини ўтайди. Уларда берилган маълумотлар ҳаққой воқеяликни ёритишда айниқса, муҳим саналади. Бу асарлар сирасига, М.Гандининг “Менинг ҳаётим”, Ҳиндистоннинг озодлиги”, “Мустақилликдан олдин ва кейин” “Мустақилликдан сўнг”, “Ҳиндистон бугун ва эртага”, “Бир неча кўҳна мактублар”, “Ҳиндистонда ўн саккиз ой”, “Биринчи олтмиш йил”, “Муқаддима. Тинчликка йўл. Уруш сабоғи.”, “Хитой, Испания ва уруш”, “Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати”, “Режалаштириш ва тараққиёт” ҳамда “Автобиография” асарлар киради.

- Бундан ташқари, ҳали яхши ўрганилмаган, аммо, Ҳиндистон миллий озодлик кураши тарихини ёритишда муҳим саналувчи Р.Прасаднинг 1947 йилда ёзиб нашрдан чиқарилган асари “Ҳиндистон бўлинди” (Бомбей, 1947 йил), Алтаф Ҳусайн Хали қаламига мансуб “Ҳаёти джавид” асари мусулмонлар лигасининг инглизларга кураши тарихи ёритилган муҳим асарлар сирасига киради. Бундан ташқари, Иқбол Али Шохнинг 1944 йилда нашр этилган Пакистания: Ҳиндистон учун режа

асари, М.А. Жиннанинг 1947 йилда нашр этилган “Сухбатлар, ёзишмалар”и, С.Ансарининг “Покистон. Ҳиндистон учун муаммо” асари, Ҳ.Мукержининг 1948 йилда нашр этилган “Ҳиндистоннинг озодлик учун кураши”, М.Нўмоннинг 1942 йилда ёзилган “Ҳиндистон мусулмонлари”, А.К.Озоднинг 1959 йилда нашр этилган “Ҳиндистон озодликни ғалаба қилди” автобиографик асарлари ҳам алоҳида санаб ўтиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
2. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т., “Ўзбекистон”, 2010.
3. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, Т., “Ўзбекистон”, 2011.

II. Асосий адабиётлар.

1. Ганди М.К. Менинг ҳаётим. Т., 2009, -Б. 255.
2. Антонова К. А. и др. История Индии (Краткий очерк). – М., 1973.
3. Намбудирипад Е. М. Махатма Ганди и гандизм. — М.: Изд-во иностр. лит., 1960
4. Комаров Э. Н., Литман А. Д. Мировоззрение Мохандаса Карамчанда Ганди. -М.: Наука, 1969
5. Дьяков А. М. Республика Индия. – М., “Знание”, 1955.
6. Редько И. Ҳиндистон Республикаси. – Т.: Ўздавнашр, 1956.
7. Осипов А.М., Великое восстание в Индии, 1857-1859, М., 1957;
8. Ғиёсов Т. Ғ., Ҳиндистоннинг янги тарихи, Т., 1999.
9. Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. –М., «Прогресс», 1975. С. 382.
10. Джавахарлал Неру. Мировоззрение. (отв: акад. Б.Ғ.Ғафуров, А.Д.Литман) – М., «Наука», 1973. С. 210.
11. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М-Л., «Иностранной литературы», 1955. С.650.
12. Джавахарлал Неру. Автобиография.(перевод. В.В.Исаакович, Д.Э.Кунина, В.Н.Павлов)- М., «Иностранной литературы», 1955. С.653.
13. Джавахарлал Неру. Внешняя политика Индии. Избранные речи и выступления. -М., 1965. С. 210.
14. Ганди Индира. Статьи, речи, интервью, М., 1984. С. 230.

Даврий нашрлар ва тўпламлар:

1. Ғиёсов Т.Ғ. Ватанини кашф этган инсон. // Фан ва турмуш журнали. ЎзФА. 1989 ноябрь. 24-26 б.
2. Ғиёсов Т. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти, 2000, 7-сон.

3. Бобохўжаева Р. Ўзбекистон – Ҳиндистон маданий алоқалари. // Шарқ Машъали журнали. ТДШИ. 2006. 1-2 сон.

4. Обидов Б. Жавоҳарлаъл Неру дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 40-43 б.

5. Ғиёсов Т.Ғ. Ўзбек халқининг содиқ дўсти. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2009. 149-153 б.

6. Шоматов О., Нурматов С. Ўзбек-ҳинд маданий алоқалари ривожланишида ўзбек ҳиндшуносларининг қўшган ҳиссаси. Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 7-11 б.

Интернет порталлари:

1. www.vremya.ru/2002/18/13/19228.html
2. www.vokrugsveta.ru/vs/article/4641/
3. www.bharatiya.ru
4. www.frontline.in/frticles/19/341/html
5. www.indiatoday.in